

Литература

1. European Commission Report to the European Commission on Improving the quality of teaching and learning in Europe's higher education institutions June 2013, Luxembourg: Publications Office of the European Union.
2. Healey, M. (2005) Linking research and teaching exploring disciplinary spaces and the role of inquiry-based learning. In: Barnett, R. (ed.) *Reshaping the university: new relationships between research, scholarship and teaching*. Maidenhead: McGraw-Hill/Open University Press, 30–42.
3. <http://budapest2012.bolognaexperts.net/activity/training-groups-continued-1>. Implementing Research Based Education: Challenges and Opportunities - A case study and hands-on exercise, with the contribution of Wolfgang Deicke, Christopher Gess and Julia Ruess, Humboldt-Universität zu Berlin.
4. www.bolognalab.hu-berlin.de.
5. http://budapest2012.bolognaexperts.net/sites/default/files/report_budapest_final.pdf

«ФАН-ТАЪЛИМ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» БОГЛАНИШИНинг ЯНГИ БОСҚИЧИ: UnIvEnt ЛОЙИХАСИ МИСОЛИДА

Исақова З.М.

Мақола ишлаб чиқарии ва тадбиркорлик фаолиятига инновацияларни жорий этишида отмларнинг ролини ошириш масалаларига бағишиланган. Унда, шунингдек, таълим жараёнини корхоналар ва тадбиркорлар буюртмаси асосида ташкил этилишини йўлга қўйиш, илмий ҳамкорликни яхшилаш ҳамда илмий жамоатчиликда тадбиркорликни фаоллаштириши каби масалалар ёритилган.

НОВЫЙ ЭТАП В СВЯЗИ «ОБРАЗОВАНИЕ-ИННОВАЦИИ-ИССЛЕДОВАНИЯ»: НА ПРИМЕРЕ ПРОЕКТА UnIvEnt

Исақова З.М.

Статья посвящена вопросам повышения роли вузов в создании и трансфере инноваций в предпринимательскую деятельность. Также в ней рассмотрены вопросы организации учебного процесса, учитывая потребности работодателей, улучшение научного сотрудничества и активизация предпринимательства в научном сообществе.

A NEW STAGE IN «EDUCATION-INNOVATION-RESEARCH» COMMUNICATION: ON THE EXAMPLE OF THE UnIvEnt PROJECT

Isakova Z. M.

The article is devoted to the questions of increasing the role of higher education institutions in creation and transformation of innovations to business activity. Also, the paper includes useful information about organization of educational process considering needs of employers, improvement of scientific cooperation and business activization in scientific community.

Олий таълим мазмунини бозор иқтисодиёти, меҳнат бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этиш – ривожланаётган жамиятнинг бугунги кундаги энг долзарб талаби саналади. Мазкур ҳолат глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишга кўмак берибгина қолмай, олий таълимнинг мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот олиб бориш салоҳиятини амалиётнинг реал эҳтиёжларига бўйсундиришга хизмат қиласди. Бироқ жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инновация, илм-техника ютуқлари соҳасида юқори даражали қўшимча қийматни яратиш қобилиятига эга мамлакат сифатида ривожланиши учун шунинг ўзи етарли эмас. Таълим тизими мамлакатни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қодир малакали кадрлар билан таъминлаши зарур. Мазкур фаолиятни амалга оширишда ҳалқаро ҳамкорлик, хусусан олий таълим тизимидағи ҳамкорлик самарали натижаларга эришиш омилидир. Жорий йилда ўз ниҳоясига етган TEMPUS дастури томонидан лойиҳалаштирилган **UnIvEnt** (Enhancement of role of universities in transfer of innovations into enterprise) лойиҳаси мисолида айтиш мумкинки, билимга асосланган иқтисодиётда бизнинг рақобатбардошлигимиз ва ҳаёт сифатининг яхшиланиши бизнес ва олий таълим ўртасидаги билимлар алмашинуви жараёнининг самарадорлигига боғлиқ.

Мазкур лойиҳа инновацияларни ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига ўтказишида университетлар ролини оширишга қаратилган бўлиб, 2010 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Лойиҳа орқали ишлаб чиқаришга ва тадбиркорлик фаолиятига инновациялар трансферида университетларнинг ролини ошириш, университетларда Инновациялар Трансфери Марказлари фаолиятини ташкил этиш орқали “фан-таълим-ишлаб чиқариш” боғланишини янги босқичга олиб чиқиш каби муҳим масалалар вазифа этиб белгиланган эди. Германиянинг Лейпциг амалий фанлар университети (HTWK) бошқарган **UnIvEnt** лойиҳасида Испания, Португалия, Озарбайжон ОТМлари билан бир қаторда Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Фарғона вилояти Савдо-саноат Палатаси, ОАЖ «Фарғона-АЗОТ», ОАЖ «Фарғона ЁF-МОЙ», Фарғона вилояти тадбиркор аёллар уюшмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш

Маркази Фарғона вилоят бўлимининг иштирок этиши Фарғона вилоятининг иқтисодий жиҳатдан юксалишига салмоқли улуш қўшди, дея оламиз. Мазкур лойиҳада "Келажак Овози" ташаббускор ёшлар Маркази Фарғона бўлимининг иштироки ёшларнинг тадбиркорлик ва илмий изланишга бўлган қизиқишлигини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда узоқ муддатли стратегик қарорлар қабул қилиш учун шароит яратиш ва бизнес алоқаларни тараққий эттириб борган холда олий таълим муассасалари учун узоқ муддатли ривожланиш истиқболида кўпроқ фойда олиш имконини яратди.

Илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик масалаларидан бири деб тан олинган, чунки XXI асрда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши илмий-техника тараққиётининг етакчи роли ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида ва асосан ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият натижалари қўллаш асосида таъминланади. Бу йўлни амалга оширишнинг асосий мақсади ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотнинг ички ҳамда ташқи бозорларга чиқишини таъминлаш, ички бозорда импорт қилинадиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан алмаштириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини шакллантириш ҳисобланади. Лойиҳа доирасида олий ўкув юртларда ташкил қилинган ИТМ (Инновациялар трансфер Маркази) лар ҳам айнан мана шундай долзарб вазифани амалга оширди. Лойиҳада кўрсатилган жиҳозларларнинг спецификацияси аниқланди ва тендер асосида ИТМ лар учун 84 000 евро қийматга эга жиҳозлар УзБюроКЕС орқали олиб келинди. ИТМларнинг бош мақсади илмий ҳажмдор, юқори технологик ишлаб чиқаришнинг ўсиши, шу жумладан кичик инновацион тадбиркорликнинг барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш; республиканинг илмий салоҳиятидан мамлакатнинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда самарали фойдаланиш; корхоналарнинг инвестиция ва инновация фаолигини рағбатлантириш, инновация фаолиятини кенгайтириш учун инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашишдан иборат. ИТМ лар учун барча олий ўкув юртларда маҳсус хоналар тайёрланди. Мазкур марказлар янги, энди ташкил этилган компаниялар, шунингдек ўз фаолиятини бошлаётган бошқа тадбиркорларга ўзининг имий-тадқиқоти билан ёрдам бериш учун «бизнес-инкубатор»лар хизмати ташкил этилган. ИТМларда илмий тадқиқотларнинг қўйидаги турлари йўлга қўйилди:

- **фундаментал тадқиқот** – илмий ихтиро ва янги билимларга имкон яратувчи тадқиқот; аниқ амалий масала ечимиға эмас, балки инсоний билимларни кенгайтириш мақсадидаги изланиш;
- **стратегик тадқиқот** – ҳалқаро муносабатларнинг замонавий муаммолар тадқиқи билан шуғулланувчи ва умумий натижалар ҳамда юқори имкониятларга эга ихтиrolарга олиб келувчи йўналиши;

- **амалий тадқиқот** – натижалардан амалий фойдаланиш мақсадидаги изланиш, масалан: янги маҳсулот ишлаб чиқариш. Шу жиҳати билан аниқ бир амалий мақсадни кўзламайдиган соф илмий тадқиқотлардан фарқ қиласди;
- **ижтимоий ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш** – илмий-тадқиқот ташкилотлари, халқаро ва худудий реал иқтисодиёт тармоқлари корхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

Шунингдек, ИТМ катта бизнесни (инфратузилма ва мақсадли молиявий таъминотни химобша олган ҳолда) ҳам қўллаб-қувватлаш учун бошқа имкониятларга ҳам эга. Мазкур ҳолат ишчи ва талабаларга «янгитдан ташкил этилган» бизнес ҳамжамиятга йўл очди. Натижада биргина Фарғона давлат университети билан корпоратив ҳамкорлик асосида фаолият олиб борувчи корхоналар сони 10 тадан ошди. 2011-2013 йиллар давомида ўтказилган “Инновацион Ярмарка”да олимлар ва иқтидорли талабалар ҳамкорлигида яратилган 10 дан ортиқ инновацион лойиҳа тақдим этилди. Уларнинг натижасида асосан университет ва корхоналар ўртасида 8 млн. сўмлик шартномалар тузилди.

UnIvEnt лойиҳаси доирасида амалга оширилган эътиборга молик тадбирлардан яна бири, жойларда тадбиркорларга инновациялар моҳияти, уларни қидириб топиш ва фойдаланиш бўйича тренинглар ўтказиш ҳисобланади. Шунингдек, инновацияларни қидиришда ахборот технологиялари ва INTERNET тизимидан фойдаланиш, инновацияларни амалиётга жорий этишда бизнес-loyihalar тайёрлаш, тадбиркорликда маркетинг ва бошқарув фаолияти, кичик корхона ва микро фирмаларда бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш каби мавзуларда тайёрланган 6 та ўкув дастури бўйича 4 та шаҳар ва 15 та қишлоқ туманларида тадбиркорларга мўлжалланган ўкув курслари тадбиркорлик фаолиятини янада самарали ташкил этишда катта кўмак беради.

Бизнес билан алоқани ривожлантираётган олий таълим муассасалари қўп ҳолларда шундай муаммога дуч келади: бизнес учун зарурий малакаларни тўлалигича еткиздира олмайди ёки алоҳида ташкилотлар билан бўлган фаолият иқтисодий хижатдан мақсадга мувофиқ ва маҳсулдор бўлмайди. Лойиҳа давомида зарурий натижага эришиш учун «ўкув ва илмий кластерлаш» стратегиясини ривожлантирум оқда ва, шунингдек, келгуси ҳамкорлик учун «саноат гуруҳлари»нинг ривожини рағбатлантириб келмоқда. Билим ва илмий тадқиқотлар трансфери жараёни анъанавий академик фанлар доирасидан чиқиш керак бўлган жойда, бизнес хусусий бўлмаган ёндашувни талаб қилган пайтда бундай «тармоқли» ҳамкорлик энг яхши, узоқ муддатли ривожаниш истиқболида эса – энг маҳсулдор бўлиб қолади.

Таъкидлаш жоизки, ҳали кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг унча катта бўлмаган фоизи билим бериш соҳасида университетлар томонидан тақдим этилаётган хизматлардан фойдаланаётган бўлса ҳам, ОТМарнинг кўпчилиги

мазкур жараённи изга солиш мақсадида ишлаб чиқилган турли схемалардан фойдаланади. Лойиха томонидан молиялашириладиган бундай тизимлардан бири — «билимни етказиша ҳамкорлик» ва унинг мақсади — ОТМдан белгиланган илмий раҳбар қўл остида тижорат лойиҳаларида ишлаш учун кичик ва ўрта бизнес корхоналарига битирувчиларни ишга жойлаш.

UnIvEnt лойиҳаси тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки, олий таълимда амалга оширилаётган тадқиқотларининг ижтимоий-иктисодий таъсири ҳақида турли мулоҳазалар мавжуд. Булардан энг асосийси, ижтимоий манфаат, тижорат мақсадларига йўналтирилмаган ташаббускорлик, иктисодиётнинг ҳукумат томонидан белгилаб берилган янги йўналишлари ҳисобланади. Шунингдек, мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда ОТМларнинг янги – қўшимча даромад ташкил этишга йўналтирилган фаолияти жараёнида билимнинг янги қирраларини қўллаш ҳам самарали усуллардан саналади. Ушбу мақсадларни амалга оширишда фундаментал тадқиқотларнинг аҳамияти катта. Бундай тадқиқотларнинг амалий-ижтимоий таъсирини янада оширувчи ғояларнинг тараққий этиши учун қўйидаги омиллар зарур:

- 1) дастлабки омил – кўп имкониятлари ҳануз очиқлигича қолаётган стратегик тадқиқотлар;
- 2) жамиятнинг эҳтиёжи ва кутувларига мос келиш учун қўйилган иккинчи муҳим омил - тадқиқот мақсади аниқ белгиланган ва бирон бир муаммо ечимиға йўналтирилган амалий тадқиқотлар. Улар фундаментал тадқиқотларни жамият билан боғловчи бир бўлак саналади.
- 3) энг муҳим ва самарали бўлиши кутилаётган омил – талабалар билан йўлга қўйиладиган ҳамкорлик. Мазкур ҳамкорлик тўғри ташкил этилганда илмий тадқиқотларни такомиллашириш учун интеллектуал ресурслар мақсадли сафарбар этилади. Бундай ҳамкорлик натижасида талабалар янгилик излаб топиш ва уни амалда қўллай олиш малакасига, тадбиркорлик хислатларига эга бўлганда мақсади олдиндан маълум бўлган натижаларга эришишга йўналтирилади.

Хуроса қилиб айтганда, олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик – фундаментал тадқиқотлар туфайли вужудга келган билимлар жамланмаси ҳамда жамият ўртасидаги алоқани юзага келтирувчи мураккаб жараённинг бир бўлагидир. Чунки фундаментал тадқиқотлар – ихтиро учун асосий ҳаракатдаги куч ҳисобланади. Ихтиро – қизиқувчанлик туфайли вужудга келган, эркин ижодий муҳитда тараққий этувчи ва янгидан янги кашфиётларга етакловчи ўй-хаёл маҳсули. Шу туфайли ҳам алоҳида эътибор ва ғамхўрликни мана шу ижодий муҳитни ҳимоялаш ҳамда рағбатлантиришга қаратиш лозим. Зеро, таълим бойлик, уни амалда қўллаш эса мукаммаликдир. ОТМларнинг мамлакат иктисодиётига эътиборга молик таъсири эса тадбиркорлик, яратувчанлик қобилиятига, руҳига эга бўлган янги иқтидорни вужудга келтиришда намоён бўлади.